ПИРУ БАДАВЛАТ УСТОЗ

Гар керак бўлмасам элга –элатга,
Гар мадор бўлмасам юртга, миллатга,
Гар таянч бўлмасам она давлатга,
Яшашнинг қизиғи йўқдир мутлақо!



Назаримда, юқоридаги тўртлик истеъдодли олим Неъматжон ака Аҳмедов тилидан айтилаётгандай.

Неъматжон ака Аҳмедов она тили ўқитиш методикасининг забардаст олимларидан биридир. Унинг таржимаи ҳоли кўплаб зиёлиларникига ўхшайди, айни пайтда ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шуни таъкидлаш лозимки, домла она тилига меҳр қўйди ва ундан меҳр олди. Ярим асрдан зиёд вақт ўтибди ҳамки, ҳамон бу меҳрни қалбида асраб-авайлаб, эъзозлаб, шогирдлари билан бирга баҳам кўриб келмоқда.

Н.Аҳмедов 1955 йилда Фарғона давлат педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетини тугатиб, вилоят мактабларида ўқитувчи, мактаб директори, туман халқ маорифи бўлимида мактаблар инспектори (назоратчи), райком инспектори лавозимларида ишлади. Таълим-тарбия соҳасида илм-фан асосларини эгаллаш нақадар зарур эканлигини қалбдан ҳис қилган изланувчан ўқитувчи Н.Аҳмедов мураббийлик фаолиятини илмий-тадқиқот билан қўшиб олиб боришга қарор қилади ва 1963 йилда Ўзбекистон педагогика фанлари илмий текшириш институти аспирантурасига ўқишга киради. Н.Аҳмедов 1996 йилда “Диалектал шароитда ўқувчиларнинг ёзма ишларида учрайдиган орфографик хатолар ва уларни тузатиш методлари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Мазкур мавзудаги илмий ишга ЎзФА академиги Ғ.Абдураҳмонов раҳбарлик қилган.

Устоз 1967 йилдан Андижон давлат университетида ишлаб келади, талабаларга илм асосларини ўргатади, Н.Аҳмедов 1969 йилдан доцент, 1986-89 йилларда махсус фанларни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, 1989-92 йилларда педагогика факультети декани, 1995-98 йилларда филология факультети декани лавозимларида ишлади. Ўтган йиллар мобайнида ҳалол, виждонан ишлаб, профессор-ўқитувчилар жамоаси ва талабалар ўртасида юксак обрў–эътиборга сазовор бўлди. Унинг қўлида тарбияланган жуда кўп шогирдлар турли жабҳаларда муваффақият билан меҳнат қилмоқда.

Н.Аҳмедов бутун иш фаолияти давомида педагоглик шаънига доғ туширмасликка, бу номни эъзозлашга интилди. Домла педагогик фаолият билан илмий-тадқиқот ишларини ўзаро қўшиб олиб бораётган заҳматкаш мураббий, изланувчан олим сифатида бир нечта монографиялар, дарслик, ўқув-услубий қўлланмаларнинг муаллифидир.Ўтган йиллар давомида системали равишда илмий-методик иш олиб бориб, умумтаьлим мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари учун бир қатор мақола ва қўлланмалар, шунингдек, муаллифлар билан ҳамкорликда 5, 6, 7, 8, 9 – синфлар учун “Она тили”дан дастур ва дарсликлар ёзиб, нашрдан чиқарди. Шу билан биргаликда, “Диалектал хатолар ва уларни тузатиш йўллари”, “Диалектал шароитда орфография ўрганиш”, “Диалектал шароитда ўқувчиларни талаффузга ўргатиш”, “Педагогик амалиётни ўтказиш учун қўлланма” каби ўқув-услубий қўлланмаларни нашр қилдирди. Ҳозирги вақтда мазкур дарслик ва қўлланмалар амалда ўқитувчи, талабалар учун асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирда устоз Н.Аҳмедов Андижон давлат университети филология факультетида ишлаб, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, “Кадрлар тайёрлаш

миллий дастури”ни амалга ошириш борасида ўзининг илмий-педагогик фаолиятини давом эттирмоқда.

Н.Аҳмедовнинг соҳаси бўйича олиб борган ибратли ишлари Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган: фахрий ёрлиқлар, Ўзбекистон Республикаси халқ таьлими аьлочиси, меҳнат фахрийси кўкрак нишони, Ўзбекистон Республикаси олий таьлим аьлочиси нишони, “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил” эсдалик нишони билан тақдирланган.

Биз Н.Аҳмедов сиймосида яхши тадқиқодчи, жонкуяр тарбиячи, талантли педагог ходимни кўрамиз. Муборак 80 ёшлик тўйини нишонлаётган моҳир мураббий, она тили ўқитиш методикасининг отахони, пиру бадавлат устоз, бурч ва масьулиятни ҳаммадан кўра кўпроқ ҳис эта оладиган меҳрибон Неъматжон ака Аҳмедовга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, миллий қадриятларимиз, маънавиятимиз ва маданиятимиз равнақи йўлидаги эзгу ишларида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Ш.Ж.Юсупова,
педагогика фанлари доктори